



**15-16 APREL  
2022**

**TOSHKENT  
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR  
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

**XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM  
VAZIRLIGI  
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

**O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI**

**“TADQIQOT.UZ”  
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:  
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH  
ISTIQBOLLARI**

**II  
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI**

**TO‘PLAMI**

**Toshkent - 2023**

**Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:**  
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

**Tahrir kengashi:**

g.f.d., professor Hikmatov F.H.  
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.  
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

**Kengash a'zolari:**

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.  
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.  
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.  
PhD, dotsent Prenov Sh.M.  
PhD, dotsent Raxmonov D.N.  
PhD, dotsent Raxmonov K.R.  
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

**Mas'ul muharrir:**

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7508839>

## АМУДАРЁ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ХОРАЗМ ВОҲАСИДА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Хайдарова Орзигул Асқаровна

Ўқитувчи

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: orzugulasqarovna@gmail.com

**Аннотация:** Мақола Амударёнинг қуйи оқмидаги Хоразм вилояти ерларининг сув таъминоти масалалари таҳлилига бағишланган. Шу мақсадда каналларга Амударёдан олинган сув миқдорларининг йиллараро ўзгариши ўрганилган. Натижада, аксарият ҳолларда, вилоятга белгиланган режадан кам сув берилаётганлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** дарё, канал, сув олиш, суғориш, шўр ювиш, вегетация даври, йиллик режа, амалда бажарилиши.

## ISSUES OF USE OF AMUDARYO WATER RESOURCES IN KHOREZM OAKH

Khaydarova Orzigul

**Abstract:** The article is devoted to the analysis of water supply issues in the Khorezm region of the lower reaches of the Amu Darya. For this purpose, the annual variation of the amount of water taken from the Amudarya to the canals was studied. As a result, in most cases, the province was found to be receiving less water than planned.

**Key words:** river, canal, water intake, irrigation, saline washing, vegetation period, annual plan, implementation in practice.

Хоразм вилоятида суғорма деҳқончилик қадимдан ривожланиб келган. Шу сабабли бу ҳудудда бир қатор йирик сув омборлари, каналлар ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида коллектор зовур-тармоқлари қурилган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос гидрологик режимга эга. Шу туфайли, Хоразм воҳасидаги ирригация тармоқларининг гидрологик режимини ўрганиш ҳозирги кунда **долзарб** масалаларидан биридир.

Суғориладиган ҳудудлардаги сув омборлари ва ирригация тармоқларининг гидрологик режимини ўрганиш натижалари Ф.Э.Рубинова, А.Б.Авакян, Б.Е.Милькис, А.М.Никитин, Л.Н.Побережский, Н.Е.Горелкин, В.Е.Чуб, Ю.Н.Иванов, Е.М.Видинеева, В.Н.Рейзвих, С.Р.Саидова, З.С.Сирлибаева, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Д.П.Айтбаев каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Юқоридаги тадқиқотчилар ушбу муаммонинг айрим қирраларини ўрганишган ва тегишли хулосаларга келишган. Бу ҳолат охириги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгариши шароитида сув омборлари, каналлар ва

коллектор-зовур тармоқлари сув режимининг ўзгаришини ўрганиш борасидаги тадқиқотларни янада ривожлантириш лозимлигини тақоза этади ва шу туфайли **долзарб** ҳисобланади.

Хоразмнинг асосий суғориш тармоқлари ҳисобланган Тошсақа ва Қиличбойсой ирригация тизимлари давлатлараро, Питнак, Урганч ва Октябрь каналлари эса вилоят ички тизимига киради. Буларнинг барчаси Тошсақа тизимига бирлаштирилган. Бу тизимлар ичида Тошсақа магистрал канали энг йирик хисобланиб, у 34 километрдан кейин Полвон, Шовот, шунингдек, Қиличбойсой, Ғозовот, Октябрь каналларини ҳамда воҳа ерларини қалин тўрдек қоплаб олган, майда каналларни ва ариқларни сув билан таъминлайди. Вилоятда фақат суғориш даврининг ўзидагина Хоразмнинг суғориш тизимларига 4 млрд м<sup>3</sup> дан ортиқ сув берилади [1, 227-б.].

Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳаммаси суғориладиган ерларда етиштирилади. Вилоятда, хатто чорвачиликни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам суғорма деҳқончилик билан боғлиқдир. Шунинг учун вилоятда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи мавжуд ирригация тармоқларини такомиллаштиришни тақозо қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, минтақадаги, юқорида қайд этилганидек, йирик каналлар ҳам давлат, ҳам вилоят аҳамиятга эгадир. Бу ҳолат мавжуд сув ресурсларидан фойдаланишда, уларни шаффоф тақсимлашда бир қатор, ноқулайликлар ва қийинчиликлар туғдиради.

Амударё сувининг сатҳи, баъзи йилларда паст бўганлиги сабабли, сув олиш учун каналлар ҳаддан ташқари чуқурлаштирилган, натижада, бу ҳолат дарё сувининг сатҳи кўтарилган даврларда, суғориш тармоқларида сувнинг тўлиб оқишига олиб келади.

Хоразм вилоятига каналлар орқали суғоришга олинган сувлар ҳақидаги маълумот қуйидаги жадвал ва расмда келтирилган. Жадвалдан маълумки, Хоразм вилоятида куз ва қиш ойларида суғориладиган ерларнинг шўрини ювишга катта миқдорда сув олинади. Шўр ювишга режадаги сув олиш билан амалда олинганини солиштирсак, вилоят ҳудудида шўр ювишга доимо режадан кам миқдорда сув берилган. Жумладан, биз ўрганаётган 2000- 2016 йиллар орлиғида режага яқин сув миқдори – 86,8 % фақат 2004 йилда олинган. Энг кам миқдор эса 2002 йилга тўғри келиб, режага нисбатан 47,4% ни ташкил этган. Ўрта ҳисобда, шўр ювишда ҳар бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган сув миқдори 2,6 минг м<sup>3</sup>/га (2002 йил) – 5 минг/га (2004 йил) оралиғида ўзгаради (1-жадвал).


**Хоразм вилояти ерларини суғоришга  
олинган сув миқдори (млн.м<sup>3</sup>)**

Йил	Шўр ювиш даврида				Вегетация даврида				Жами			
	Режа	Амал да	%	минг га	Режа	Амал да	%	минг га	Режа	Амал да	%	минг га
2000	1515	1162	78	4,5	3954	2127	54	8,2	5469	3289	60	12,7
2001	1407	806	57	3,1	4008	1378	34	5,3	5418	2184	40	8,4
2002	1414	670	47	2,6	3055	3389	111	13	4468	4059	91	15,6
2003	1452	1147	79	4,4	3558	3247	91	12	5011	4394	88	16,4
2004	1505	1306	87	5	3753	3454	92	13	5258	4760	91	18
2005	1573	1226	78	4,7	3533	3911	111	15	5106	5137	101	19,7
2007	1558	972	62	4,1	3170	2892	91	12	4728	3864	82	16,1
2008	1597	929	58	3,5	3056	1639	54	6,8	4654	2567	55	10,3
2009	1031	796	77	3	3236	3185	98	12	4267	3981	93	15
2010	1584	1168	74	4,4	3062	3446	113	13	4646	4614	99	17,4
2011	1565	953	61	3,6	3463	1743	50	6,6	5027	2696	54	10,2
2012	1677	1037	62	3,9	3444	3423	99,4	13	5121	4461	87	16,9
2013	1597	929	58	3,5	3056	1639	54	6,8	4654	2567	55	10,3
2014	1031	796	77	3	3236	3185	98	12	4267	3981	93	15
2015	1584	1168	74	4,4	3062	3446	113	13	4646	4614	99	17,4
2016	1565	953	61	3,6	3463	1743	50	6,6	5027	2696	54	10,2

Вегетация даврида суғоришга олинган сув миқдори фақатгина 2002 (111%) ва 2010 (113%) йилларда режадан кўп бўлган. Режага нисбатан вегетация даврида энг кам миқдорда суғоришга олинган сув кам сувли 2000, 2001, 2008, ва 2011 йилларда кузатилган: фоизларда уларнинг қийматлари мос равишда, 54% , 34%, 54% ва 50% ни ташкил этган. Қолган йилларда суғоришга режага яқин миқдорда сув олинган. Ҳисоб даврида бир гектар суғориладиган майдонга тўғри келадиган сув миқдори 15 минг м<sup>3</sup>/га (2005) дан 5,3 минг м<sup>3</sup>/га (2001й) гача ўзгаради. Умуман йил давомида жами суғоришга олинган сув миқдорини режага нисбатан фоизда келтирсак, у 40% (2001 й)дан 101% (2005) гача ўзгаради (1-жадвал).


Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2000-2016 йиллар оралиғида каналларга олинган сув миқдори деярли барча йилларда белгиланган режадан кам бўлган.

Унинг асосий сабаби - Хоразм вилояти ҳудудига Амударёдан етиб келадиган сув миқдорининг камлигидадир



**1-расм. Хоразм вилояти суғориладиган ерларига йил давомида олинган сув миқдорларининг йиллараро ўзгариши**

Тадқиқотимизда ушбу масала вегетация даври учун ҳам кўриб чиқилди. Таҳлиллар вегетация даврида олинган сув миқдорларининг йил давомида олинган сув миқдорларига айнан ўхшашлигини кўрсатди (2-расм).



**2-расм. Хоразм вилоятига вегетация даврида каналлар орқали суғоришга олинган сув миқдорларининг йиллараро ўзгариши**

Юқорида баён этилганларга хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Хоразм вилоятига 2001 йилда каналлар орқали, вегетация даврида, режа бўйича 4008

млн м<sup>3</sup> миқдорда сув берилиши лозим эди. Амалда эса, бор-йўғи 1378 млн м<sup>3</sup> миқдорда, яъни белгиланган режага нисбатан атиги 34,4 % сув олинган. Бунинг асосий сабаби, мана шу 2001 йилда Орол денгизи ҳавзасининг барча дарёларида, шу жумладан, Амударёда ҳам кам сувли бўлган. Лекин, афсуски, бошқа йилларда ҳам вилоятга режадаги сув амалда берилмаган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ирригация Узбекистана. Том III. – Ташкент: «Фан», 1979. – 356 с.
2. Ирригация Узбекистана. Том IV. – Ташкент: «Фан», 1981. – 446 с.
3. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д.П. Гидрология асослари. - Тошкент: Университет, 2003.
4. Хикматов Ф.Х., Хайдаров С., Ярашев К.С., Ширинбаев Д.Н., Зияев Р.Р., Эрлапасов Н.Б., Ганиев Ш.Р. Зарафшон ҳавзасининг гидрометеорологик шароити ва сув ресурслари. - Ташкент.: «Fan va texnologiya», 2016. - 276 б.
5. Харченко С.И. Гидрология орошаемых земель. - Л.: Гидрометеоздат 1975.